



## Маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориша секторлар тизимининг самарадорлигини ошириш Бўйича

Muxtarov Nodirbek  
Sherali o'g'li

*O'zbekiston Respublikasi III huzuridagi I mintaqaviy  
hudud 14 son Jazoni ijro etish koloniyasi Tezkor-qidiruv  
bo'limi tezkor vakili kapitan*

Миллий қонунчилигимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга оид кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жаҳонда жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш ва уларни ижро этиш механизмларини ишлаб чиқиш, ушбу нормалар доирасини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хозирда бутун дунёда биринчи навбатда инсон ҳуқуқларига берилаётган эътибор замон талаби сифатида қаралмоқда. Мамлакатда жазогни ижро этиш тизимини такомиллаштириш маҳкумларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни аҳлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жазони ижро жтиш амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, келгусида жамиятга ижтимлий мосластириш учун аҳлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда<sup>1</sup>.

Айниқса улар орасида давлат раҳбаримиз раислигида ўтказилаётган мажлислар ва йиғилишлардаги берилаётган топшириқлар хамда вазифалар унинг яққол мисоли десак адашмаган бўламиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш кераклигини айтди<sup>2</sup> Ушбу жараёнда ахолимизнинг фаоллигини ошириш, иш сифатини яхшилаш ва вақтдан ютиш учун замонавий технологияларни жорий этиш хамда соҳага янги-янги йўналишларни қўшиш назарда тутилган. Юртбошимиз барча маъсул раҳбарлар ва фуқароларга ўзаро келишиб яъни ҳамкорлик йўли билан иш юритиш, мақсадга эришиш учун бирдамликда иш олиб боришни лозимлигин

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелидаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноячилликка қарши қурашиб соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча иашкилий чора-тадбирлар тўғрида” ги ПҚ-5050-сон қарори.[http://www.lex.uz.\( Электрон манбага мурожаат қилинган сана 28.05.2023 \)](http://www.lex.uz.( Электрон манбага мурожаат қилинган сана 28.05.2023 ))

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022 й// (электрон манбага мурожаат этилган сана 29.11.2023 й )

эътироф этган. Хозирги кундаги ислохотлар фақатгина фукаролар учун эмас балки, суд хукми жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга хам таалуқли хисобланади. Бунинг яққол мисоли маҳкумларни хуқуқлари кенгайтирилмоқда, инсонпарварлик актлари кўп қўлланилмоқда, агарда маҳкумни оиласида қандайдир муаммоси пайдо бўладиган бўлса, унинг оиласига кўмаклашиш ва ёрдамлашиш ишлари олиб борилмоқда. Жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий-профилактик ишлар шакллантирилиб, маънавий, меҳнат, хуқуқий, эстетик ва жисмоний тарбия йўналишларида амалга оширилмоқда. Жазони ижро этиш муассасалари ходимларини иш жараёни сифатини назорат қилиб бориш учун рейтинг тизими жорий этилди. Мустақилликдан сўнг юртимизда жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштиришга доир бир нечта норматив ҳуқуқий-хужжатлар қабул қилинди. Хозирги кунда жиноятчиликка қарши кураш ва уларни олдини олиш давлат сиёсатининг енг устувор йўналишларидан бири хисобланиб, унинг хуқуқий базасини мустахкамлаш ва таъминлаш эса асосий вазифадир.

Хозирги кунда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб борища секторлар тизимини, рўлини ва самарадрлигини ошириш зарурдир. Маҳкум муассасага келгандан сўнг қисқа вақтда мослашиб кетиши учун тизимга янгича тартиб ва қоидалар киритиш лозим.

Амалга оширилаётган истоҳотлар негизини инсонпарварлик, фукароларнинг ҳаёти, эркинлиги ҳамда қадр-қимматининг устуворлиги каби умуминсоний принциплар ташкил этади.

Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, улар бирор соҳада ўзгариш ёки янгиланиш қилишмоқчи бўлишса, албатта, олимлар, мутахассислар ҳамла эксперtlар фикрини ўрганиб чиқишиади. Америка, Россия, Франсия, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатлар тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, 1- навбатда илмий жихатдан чуқур таҳлил қилишади ва қанча миқдорда маблағ кетиши кераклигини аниқлаб олишади. Агар Жазони ижро этиш соҳасига доир ҳужжатлар мутахассис ва эксперtlар томонидан яхшилаб таҳлил қилиниб, сўнг қабул қилинса, яқин келажакда тизимдаги ўзгаришлар яхши томонга ўзгаради.

Жазони ижро этиш муассасаларининг худудларни маъмурият вакилларининг вазифа ва функцияларига мослаштирилган холда тақсимлаш ишларни янгилаш;

Бироқ, ҳозирги пайтда Жазони ижро этиш тизимида бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳамон ўз ечимини топмай келмоқда, буларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Колонияда Меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйилмаган, тарбиявий ишлар тўғри ташкиллаштирилмаган, ходим-кадрдарни етишмаслиги секторларга бириктирилган бўлимлар ўртасида ҳамкорлик етарли даражада эмас ва хат ҳужжатлар яни қоғозбозликни қўпайиб кетиши ҳолатлари хозирда жуда ҳам кўзга ташланиб турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул

қилинаётган норматив-хужжатларга эътибор берсак, бевосита жазони ижро этиш тизимини такомиллаштиришга таалуқлидир. Тизимни ривожлантириш учун дастлабки қадам 2021 йил 2-апрел куни қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши ва маҳқумларининг ҳуқуқ, эркинликларини ва қонуний манфаатларини янада химоя қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 февралдаги ЎРҚ-817-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳқумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 23 марта ги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 825-сонли қонунинг олий вакиллик органи томонидан қабул қилинишидир. Енг асосий вазифа эса, илгари қабул қилинган норматив-хужжатларни, бугунги кундаги хужжатларга мослаштириб чиқиши. Жазони ижро этиш тизимида камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўйидаги таклифлар кириртилса, маҳқумлар билан олиб бориладиган тарбиявий-профилактик ишлар самарадорлиги янада ортигши мумкин.

Қўйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман:

1. Жазони ижро этиш муассасаларида секторларнинг худудларини қайтадан тақсимлаш;
2. Секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун кенгаш тузиш, масалан сектор ёки васийлик кенгаши деб номлаш;
3. Секторлар миқёсида маҳқумларни хатти-ҳаракатини назорат қилиш ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш бўйича рейтинг тизмини жорий қилиш керак.

Тизимдаги аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга доир олиб борилаётган ислоҳотларни ижросини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида қўйидаги ишлар амалга оширилиши вазифа этиб белгиланди:

Жазони ижро этиш муассасаларида тарбиявий хизмат бўлимининг бошқа бўлимлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш;

Қабул қилинаётган норматив-хужжатларнинг ижросини таъминлаш ҳамда камчиликларни бартараф этиш;

Маҳқумларни хатти-ҳаракатларини назорат қилиш бўйича амалий техник дастурлар ишлаб чиқиши;

Жазони ижро этиш муассасаларидағи фаолиятни янгича фаолиятга мослаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида секторлар кесимидағи ички ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мақсадга эришиш мумкин